

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ  
ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ КАФЕДРАСИ**

## **РЕФЕРАТ**

**Мавзу: ПОСТМОДЕРНИЗМ ФАЛСАФАСИ**

**Бажарди: К. Ҳайдаров – “Фалсафа тарихи”  
мутахассислиги 1 курс магистри.**

**ТОШКЕНТ - 2012**

## М У Н Д А Р И Ж А

	<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>1</b>	<b>Постмодернизм фалсафаси.....</b>	<b>4</b>
<b>2</b>	<b>Ж.Дерриданинг янги структурализи...</b>	<b>7</b>
<b>3</b>	<b>Ж.Делез «онтологияси».....</b>	<b>10</b>
	<b>Хулоса .....</b>	<b>18</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>19</b>

## КИРИШ

Ҳозирги кунда қуйидаги фикр умумийликка эга бўлиб келмоқда, биз «индустриал жамият» деб номланмиш постиндустриал оламда яшамоқдамиз. Индустриал жамиятнинг асосий хусусияти энергия, қувват ва жисмларнинг алмашинуви бўлса, постиндустриал жамиятнинг асосий хусусияти информацияни, маълумотни ижтимоий узатиш ҳисобланади.

Шундан бошлаш керакки, бизнинг аждодларимизга яшаш нисбатан енгилроқ бўлган. Улар учун «Олдин сўз бўлган. Сўз Худода бўлган. Сўзнинг ўзи Худо бўлган». Яъни бу тезисдан шундай хулоса келиб чиқадики, сўз ва олам бирлиги онтологик хусусиятга эга бўлган.

Инсон фаолиятида инфор­мацион-маънавий сектор, бўлим устун ўринга эга бўлади. Шу билан бирга нафақат ишлаб чиқариш сектори, бўлим асоси, балки мустақил бир ўзини таъминловчи тармоқ ҳамдир. Бунда бирор бир янгилик мавжуд эмас. Бироқ айрим файласуфлар бу ходисани нотўғри талқин этадилар.

Индустриал жамиятда, унинг гуллаб яшнаган даврида «ишчи синфлар ва деҳқонлар» аҳолининг кўп қисмини ташкил этган. «Ижтимоий зарурий меҳнат» инсон фаол ҳаётининг муҳим қисмини эгаллаган. Унинг қолган қисмини назариётчи-файласуфлар, иқтисодчилар, сиёсатчилар ташкил қилган. Улар фаолиятига иш вақтини бекорга сарфланиши сифатида қаралган. Постиндустриал жамиятда ишчилар аста-секин йўқолиб борди.

Шунга эътиборни қаратиш керакки, постиндустриал жамиятда «бУш вақт» деб аталмиш тушунча кўпая бошлади. Шуниси қизиқки, ушбу «бўш вақт» оммавий аҳамиятга молик бўлиб борди. Шунга мос равишда дам олиш соҳаси тараққий этиб борди. Бу ўзининг ичига ўзига хос моддий базани, асосни транспорт воситаларини, ташкил этадиган соҳаларни ҳам камраб олди.

# 1. Постмодернизм фалсафаси

постиндустриал жамиятнинг фақатгина хусусиятини ташкил қилади. Унинг замонавий кўриниши XX аср одамнинг дунёқараши ва ҳаётини белгилади. Улардан муҳим бир шакл оммавий ахборот воситалари ва оммавий маданият номли атамалар вужудга келди. Бу атама бугунги кунда «*масс-медиа*» деб ҳам аталмоқда.

Бунга радио, телевидение, кино, компьютер технологияси, интернет, нашриёт ва бошқалар киради. Ўйсқача қилиб айтганда, буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда барча коммуникация, яъни алоқа қилиш воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари – тўртинчи ҳокимият деб аталиб, ўзини оқлади. Ҳокимият бошқарув ҳақида гап кетар экан, оммавий ахборот воситалари ҳокимиятнинг муҳим қуроли, воситаси деб аталди. Сўнгги таъкиднинг моҳиятини тушуниш учун инсоннинг индустриал жамиятдан информацион жамиятга ўтишдаги ўзгаришларни аниқлаш лозим.

Индустриал жамият одами ишлаб чиқариш механизмининг «винти», бўлакчаси ҳисобланади. Бу унинг бегоналашган борлиқ шакли бўлади. Ушбу бегоналашган шаклда инсон ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

Коммунизмнинг ижтимоий дастури, айнан шу бегоналашишдан четланишни, чекланишни енгиб ўтишга қаратилган эди. Коммунистик жамият одами ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлар эди.

Постиндустриал жамият коммунистик ғояларнинг кўпчилигини амалга оширди. У ақлий ва жисмоний меҳнат қарама-қаршиликларини йўқотди. У «ишлаб чиқарувчи» ва «бўш вақтнинг» зиддиятларини силлиқлаштирди. Шаҳар ва қишлоқ фарқларини енгиб ўтди. Инсон – коммунистлар орзу қилган «мобил» мавжудотга айланди. Бироқ бу

Ўзгаришлар нафақат ишлаб чиқариш технологияларида, балки инфор­мацион жамиятда содир бўлиши аҳамиятлидир.

Демак, ҳар томонлама ривожланган инсонни шакллантириш ғояси бир томонлама ижобий оқибатларга олиб келган бўлса, иккинчи томондан, инсон шахсий ўз­лигини йўқотиши, «ички» «Мен»ини йўқотиши салбий оқибатларга олиб келди.

Маълум бир маданият доирасида инсон ўз­лигини йўқотиши ҳалокатга олиб келади. Маданият соҳасида ўз-ўзини англаш «илдизларини» излаш билан баробар. Ўз илдизлари аждодларини билмаган инсон, жамиятда қувғинликка маҳкумдир. Ғарб фалсафаси билан таққослаганда бизнинг фалсафага бу ғояларнинг таъсири кучли бўлади. Масалан, мумтоз немис фалсафасини оладиган бўлсак, унда асосий мавзу инсоннинг бегона­лашуви ва ўз-ўзидан бегона­лашуви масаласи чуқур муҳокама қилинган. Марксизм бу муаммога бағишлаб кўпгина илмий ишлар ёзган. Унинг асосий тасдиғига биноан, жамият тараққиёти асосида бозор иқтисодий муносабатлари ётади. Бу нарса инсон борлиғини ва бирлигини бузади. Дастлаб, инсон ўзини табиатдан бегона­лаштиради. Кейинчалик бу унинг фаолиятига ҳам мослашиб кетади. Шу билан бирга ўз моҳиятидан бегона­лашиб кетиши кузатилади. Индивиднинг социум ичида йўқолиб кетишини К.Маркснинг ўзи фожиа сифатида талқин қилади.

Маданиятни ўзлаштириш муаммоси қадимги замонлардан бошлаб файласуфлар диққат эътиборини жалб этиб келган. Бу билан махсус фан – герменевтика шуғулланади. Герменевтика фаолият сифатида синхроник ва дихроник хусусиятларга эга. Уларнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлади. Бир-биридан фарқлаш қийин бўлиб қолади. Биз би­ла­миз­ки, маданият ўз илдизларида табиатдан бегона­ла­ши­шни асос қилади ва ўзига хос олам ўзига хос белгилар тизилмасини яратади.

Белгили олам, маданият олами «табиий реалликнинг» маълум бир қисми сифатида «табиийликка» нисбатан автономликни, алоҳидаликни

ҳосил қилади. Ушбу оламда бир-бирига тенг келадиган тушунчалар биргаликда фаолият кўрсатади.

Ушбу ҳолат маданият борлигида «вақт» билан содир бўлади. Аввалам бор, бу герменевтик жараён ўтмиш ва келажак орасидаги бўшлиқни тўлдиради. Шуни айтиш керакки, матнни таҳлил қилиш замонавийлаштиришга олиб келади. Масалан, «Афлотун айтгандай», «Кант ўйлагандай» каби ибораларни кўп ишлатганимиз ва уларнинг асл маъносига етмасак ҳам, муомалага, мулоқотга киришамиз. Шунда фалсафий тафқур олами, маданият олами тадқиқотлари яққол намоён бўлади. Уни «маънолар онтологияси» деб аташ мумкин. Унинг асосида қадимги софист-файласуфларнинг таълимоти ётади. Шундан сўнг бу масала, тузилма билан лингвистика шуғулланади. Маданият олами ҳам ўзгаради. Шу билан бирга фалсафий рефлексия, яъни инъикос, ҳамда фалсафий ёндашув ўзгаради.

«Объектив дунёқараш» асосини субъект-объект муносабатлари ташкил этади. Айнан шу ҳолат демократия орасидаги оралиқ чизиқни ҳосил қилади. Бир томондан, «Мен» бўлса, иккинчи томондан, «Мен»дан мустақил бўлган реаллик мавжуд. Шулардан сўнггина инсон ҳаёти учун макон вазифасини ўташи лозим бўлган. Кейинчалик инсон борлиги деб тушунилган бу ўзгаришларнинг ҳар бири объективликнинг инқирозига олиб келган. Шу кунгача бу ўзгаришлар бевосита объектга боғлиқ эди.

Субъектив ёндашув – объективликка нисбатан танқидий хусусиятга эга бўлган. Худди шу тенденция илмий билиш қадриятлари тизимида ҳам кўрсатилади. Энди унинг мақсади, билиш учун билиш эмас, балки амалий аҳамият касб этади. Кўпчилик «амалий» ва «техник» фанлар «назарий» ва «фундаментал» фанлар билан тенглашади. Энди ҳавф-хатар субъектнинг ўзига таъсир қилади.

## 2. Ж.Дерриданинг янги структурализми

Эдмунд Гуссерл таъкидлаб ўтган объективликнинг инқирози ғарб цивилизациясининг универсал инқилобига айланиб кетган. Бунда Оврўпо маданиятининг дастлабки кўринишига эмас, балки табиат антропологизацияси ёрдамида, инсоннинг табиатдан ажралишини кўриш мумкин. Албатта, табиат антропологизацияси – табиатнинг моддиятга айланишини англатсада, бироқ бу табиатнинг ўзгаришини англатмас эди.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги жиддий ўзгаришлар ҳам табиий ходисалар – сув тошқини, ёнғинларга боғлиқ ҳолда мавжуд бўлган. Бошқача қилиб айтганда, улар табиатнинг позитив. Яъни ижобий маҳсулотлари бўлмаган.

Табиатнинг моддиятга айланиши фақатгина инсон онгида пайдо бўлувчи ходиса эмас, балки энди бу табиат механизмига реал кириб келиш эди. Машхур шиор «Табиат ибодатхона эмас, балки устахонадир!» - шу фикрнинг яққол тимсолидир. «Билиш» фан хизматига ўтди. Ҳозирги замон назариялари буни сиёсий дастур ва фалсафий асарлар билан биргаликда онг ва тафаккур маҳсули ҳисоблаб, матнлар шаклида мавжуд эди.

Ривожланган мамлакатлар маданияти «матнлар маданияти» ҳисобланди. Бунда инсоннинг табиий, дастлабки эҳтиёжларини кондирилиши ҳаётнинг кичик соҳаларига сарфланади. Замонавий фалсафада маълум бўлган инсонни уч оламга бўлиниши метафора эмас. Бу XIX аср ғарб фалсафаси онтологиясида «онтологик тезис» дейилади. Биз нафақат дунёқараш инқирозига, балки жаҳон инқирозига айландик. Ушбу жараёнга нисбатан америкалик, япон олими Френсис Фукоямининг «Тарих китоби ва сўнги одам» (1992 йил) асари файласуфлар баҳсларини янада авж олди.

Бу муаммо билан шуғулланувчи Р.Барт ва М.Фуко ҳам масаланинг қанчалик чуқур эканлигини англамаганлар. Ушбу муаммони ечимини

топишга катта ҳисса қўшган олим Сэмюэл Хантингтон ҳисобланади. «Цивилизациялар тўқнашуви ва оламнинг якуни» (1996).

Ҳозирги олам – бу шундай ривожланиш маданияти, унинг энг кўринарли хусусияти техник кучдир, ҳаракатлантирувчи кучи эса – ахборот ва уни ишлаб чиқаришдир.

Постмодернизм – мураккаб, эклектик ҳодисадир. У XX асрнинг тўртинчи чорагида Ғарбий Европа маданиятига кириб келди. Постмодернизмнинг биринчи ғоялари 60 йилларнинг охирида ҳозирги фалсафага танқидий ёндашиб, жамиятнинг долзарб масалаларини янгича талқин қилди. Сўзнинг луғавий маъноси замонавий даврдан кейин келувчи мазмунини англатади. Лекин фақат 80 йилларга келиб бу ибора кенг қўлланила бошлади.

Бугунги кунда постмодернизм соҳасида кўпгина ғарб файласуфлари, лингвистлари, социологлари, филологлари, санъатшунослари иш олиб бормоқдалар. Бу оқимнинг йирик намояндалари **Жан Франсуа Лиотар** (1924 йилда туғилган), **Жан Бодрийар** (1929 йилда туғилган), **Жил Делез** (1926 йилда туғилган), **Жан Деррида** (1930 йилда туғилган), **Феликс Гуаттар** (1930 йилда туғилган) ва бошқалар.

Қатъий маънодаги постмодернизм тушунчаси йўқдир. Постмодернизм фалсафани, фалсафий тафаккурни дунёни яхлит, илмий-назарий система сифатида тушунтириш мумкин эмаслигини исботлашга ўз диққатини қаратади. Постмодернизм принципиал янги универсал фалсафий назарияни яратишга интилмайди. Балки у вазият мазмунини тушунишга ҳаракат қилади. Дунё ва маданиятларнинг ўзгарувчан эмаслигига шубҳа билан қарайди. Инсоннинг ана шу дунёдаги ҳаёти – саробдир дейди.

Шунинг учун постмодернизмга тушкунлик кайфияти хосдир. Постмодернизм фалсафий парадигмаларни ўзгартириш кераклигини талаб қилади. «Нима қилинганлигини» ўрганиш ўрнига «қандай қилинганлигини» қайта фикрлаш диққат марказга айланди.



Онтологик маънода постмодернизм «дунёни бўлиш учун ўрганиш керак» шиори ўрнини, уни деконструкция қилиш талаби сифатида юзага келди. У дунёни ўзгартириш мақсадидан бутунлай воз кечди, чунки жараённинг ўзи бунга қаршилиқ кўрсатди. Ана шу қаршилиқни англаган ҳолда позитив онтологиядан юз ўгирди. Дунёни билишдан воз кечиш, ягона ҳақиқат масаласи аҳамиятини йўққа чиқариш, унинг кўп эканлигини ва субъективлигини тасдиқлашга олиб келди. Билиш зарурати йўқолиб, уни «тушуниш» кераклиги диққат марказга кўтарилди. Шундай маънода билимни система ҳолатига келтириш ўз аҳамиятини йўқотди. Предмет майдонининг ягоналиги идеал даражасига кўтарилади, фанларнинг ўзига хос томонлари эътиборга олинмайди. Шундан фанни санъат билан, фалсафани филология ва дин билан ва ҳ.к. бирлаштириш зарурати туғилади.

Постмодернизмда дунёни - ҳодисага, ғояни – объектга, белгиланувчини – белгиловчига қарши қўйишдан қочишга ҳаракат қилинади. Бунинг натижасида «умумий танқидчилик» келиб чиқади ва «контрфалсафий дискурс» ҳосил бўлади. Фалсафани матн сифатида ёки гапирувчи ҳолати сифатида тушуниш, уни тақдимот қилувчилик аҳамиятини йўқотади. Шундай талаблар янгича субъект талқинига олиб келади ёки субъектсиз фалсафий мушоҳада қилиш эҳтиёжини туғдиради.

Постмодернизм классик тақдим қилиш услубини инкор қилади. Фалсафанинг мантиқийлиги постмодернизмда инкор қилинади. Воқеа, ҳодиса ва нарсаларга бўлган муносабатнинг ўзи етарли деб ҳисобланади. Бунда «контекстлар мазмунидан» чиқиб, «ҳодисавийлик ва танавийлик контекстига» кирилади.

Онг ва англаниш ўртасидаги чегарани олиб ташлаш, постмодернизм чексиз метаморфозларни киритишни талаб қилади. Объективлик субъективлик билан алмаштирилади. Ягоналик, уникаллик – чексиз қайта ишлаб чиқариш билан ўзгартирилади – бу эса маданиятни классик

талқинига чек қўяди. Ижодни постмодернизм «кашфиётни кашф қилиниши» сифатида талқин қилади.

Постмодернизм учун тарихни яқунланганлигини ҳис қилиш, ҳамма мазмунларни, ғояларни ва қадриятларни «айтиб бўлинганлиги» хосдир. Постмодернизм догматизмга, системалиликка қарши, вариантликка йўналтирилган. У «матннинг ўзига айнан мосликни» эмас, балки «бор бўлишнинг» аҳамиятининг ўзи билан кифояланади.

Постмодернизмни дунёқараш моҳиятини аниқловчи борлиқ ёки берилганлик қизиқтирмайди, балки «белгиланувчининг қолдиғи», билиб бўлмаганлик ва ноаниқлик қизиқтиради. Бу зиддиятни олиб ташлашга ёрдам беради. Билувчи субъект дунё юзини очиб гносеологик фаолият марказига сингиб кетади. Натижада реаллик чексиз, ягона «матн» сифатида намоён бўлади. Бу матн ўхшатишларга, метафораларга, иллюзияларга, истиқбозларга (цитата), ўйланган мазмунларга бойдир.

Постмодернизмнинг шундай талаби матнни янгича услубда таҳлил қилишга олиб келади: биринчи ўринга «тушунувчи микротахлил» чиқади, юқори рационаллик ҳиссий ва ақлий, эмоционал ва мушоҳадавийликни бирлиги сифатида талқин қилинади.

Постмодернизм мураккаб ва бир турга хос бўлмаган ҳодиса бўлса ҳам, бу оқим вакилларининг умумий томонларини топиш мумкин.

Постмодернизмга дунёга онлаш объекти сифатида муносабат билдириш хосдир. Унинг натижалари ёзма шаклда ифодаланади. Шунинг учун ҳам дунё матн сифатида намоён бўлади.

### **3. Ж.Делез «онтологияси»**

Шахснинг ўз-ўзини англаши ҳам «матнлар йиғиндиси» сифатида талқин этилади, бу матнлар бошқа матнлар билан ўзаро таъсир этиб маданиятни ташкил қилади. «Ҳеч нарса матндан ташқарида мавжуд эмас, -

дейди Ж.Деррида, - ҳамма нарса матнда намоён бўлади ва матн талқини орқали аниқланади. Ўзига хос танқидий фаолиятнинг «фарқлаши» натижасида намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Дунё чексиз, бепоён матн сифатида тушинилгандан сўнг, уни талқин қилиш чегаралари аниқлашади, улар аллегориялар бўлади. Аллегориялар замонавий маданиятни қабул қилиш ролини бажаради.

Концептуал талқинларни қайта кўриб чиқиш янги методологик ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бундай услуб ролини «деконструкция» ўйнайди, яъни матн ягона, белгиланган мазмун эканлигига ишончни синдирди. Натижада матн ва мазмун ўртасидаги алоқа узилди.

«Мазмун ва маъно диктатурасини» йўқолиши, устивор қарама-қарши оппозицион зиддиятларни ечимига олиб келади, шунингдек, маконий ва замоний чегараларнинг марказчилик хусусиятларини ҳам йўқотади, «децентрация» юзага келади. Бу эса ҳокимиятни таъсир кучини заифлаштиради, «перифериядагиларни» бўйсинувчанлик хислатини йўқотади. Ўадрият ва системаларнинг «доминантлик» аҳамиятини четлаб ўтади. «Юксак маданиятларни»инкор қилади, уларни оммавий маданият даражасигача тушириб кўяди, турли стиллар, шакл ва йўналишларнинг эклектик ҳукмронлигини оширади.

Маконий-замоний чегараларни олиб ташланиши, постмодернизмда анъаналар аҳамиятини йўқотади. Унинг ўрнига, биринчи навбатга «истиқбоз» (цитата) олиш чиқади, матннинг ичида манипуляция қилинади. Нуфузлар (авторитет) ва тажриба ҳеч нарсага айланади. Олам плюрализм сифатида намоён бўлади, ҳеч қандай ягона ишлаб чиқилган тамойилга бўйсинмайди.

Тарих шунинг учун ҳам ўз мазмун ва йўналишини йўқотади. «Давр стрелкаси» компас стрелкасига айланади ва қутблар ўртасида сарсон-саргардон бўлади. Вақт ўз ўлчамларини, яъни модусларини йўқотади,

---

<sup>1</sup> Каранг: История философии. –Ростов-на Дону, 1999. С. 202.

«ҳозирдаги мозейлик» сифатига ўтади. Шакл мазмундан ажралади, антишакл ҳукмронлик қилади; тарихда тасодиф ҳукмронлик қилади, қонуниятга ўрин қолмайди; иерархия структурали тузилманинг тамойили сифатидаги аҳамияти йўқолиб, анархияга ўрин бўшатиб беради. Ижодиёт ўрнини деконструкция эгаллайди. Марказлашув тарқалишув билан ўрин алмашади; белгиланувчи белгиловчини сиқиб чиқаради; мақсад ўйинга, аниқлик – ноаниқликка айланади.

Юқорида келтирилган тамойиллар постмодернизмнинг дунёни қабул қилиш тимсоллари асосида ётади, улар инсонни тушунишда ҳам намоён бўлади, метафизик антропологизмга ва гуманизмга қарши туради. Инсон субъект сифатида талқин қилинмайди, унинг моҳияти жамоавий «Мен», «ижтимоий, сиёсий онгсизлик» сифатида талқин қилинади. Постмодернизмда универсал гуманизм асосланади, у бутун жонли Коинотга томон йўналтирилади, «ҳокимият» ва «эркинлик» тушунчаларини танқидий ўзлаштиради, акс эттиради.

Ҳокимият постмодернизмда микродаражада, яъни кундалик ҳаёт даражасида таҳлил қилинади. «Ҳокимият тил орқали» очилади.

Постмодернизмда «янгича фалсафа ва фаннинг» имкониятлари ўзига хос умумназарий, фалсафий, методологик таҳлилларни талаб қилади, унда «замон руҳияти» акс этиши зарур. Постмодернизм ғояларининг ривожини постструктурализм вакиллари томонидан амалга оширилади, улар постмодернизм вакиллари сифатида ҳам намоён бўлади.

Шу соҳада ҳозирда йирик француз файласуфи Жан Дерриданинг ижодий фаолияти қизиқарлидир. У – деконструктивизмнинг асосчисидир, шу йўналишнинг етакчи назариётчиларидан бири ҳисобланади.

Жан Деррида «Экол Нормал»да ўз маълумотини олади, у ерда ўқитувчилик ҳам қилади. Сарбоннада фаол ишлайди. «Тель Кель» номли машҳур журнал билан ҳамкорлик қилади. Умумжаҳон фалсафий коллежга асос солади. Ж.Дерридага Ф.Ницше, М.Хайдеггер, З.Фрейд, Э.Гуссерл

таълимотлари катта таъсир қилади. У ҳозирги фалсафани яқунланган деб ҳисоблайди. Унинг ўрнига деконструкцияни тақдим қилади.

Янги услубининг мазмунини «Грамматология» (1967) номли асарида баён қилади. Деконструкция – метафизик мазмунларга қарши йўналтирилади. Унинг фикрича, Ғарбий Европа тафаккури муаммолар доирасидан чиқолмай қолган. Сабаби Ғарбий Европа фалсафаси илгариги ғоялар таъсирида ўралашиб қолган. Булар фалсафий категориялар орқали намоён бўлади. Айнан категориялар баёнчилик услубига мўлжалланган, яъни булар кўриб чиқиш, тушунтириш, предметни аниқлаш, объект ва субъектлардир. Шунинг учун ҳам бундан чиқиб кетишнинг ягона йўли – тилни чуқур таҳлил қилиш орқали, деконструкция қилишдан иборат. Бу тафаккурнинг ўз-ўзидан, спонтан имкониятини очади, категориялар эркин кўлланилади, фалсафий мушоҳадалаш жараёнида янги мазмунлар очилади. Деконструкция тарихийлик, маданийлик анъаналарини бузиб ташлайди. У прогрессивликка, бир чизиқлилиikka қарши йўналтирилади. Тарих тил билан, амалиёт билан, хотира билан, матн билан айнанлаштирилади.

Деконструкциянинг асл мақсади – «метафизика»дан қочишдан иборат. Деррида матнни ўз-ўзини ҳосил қилувчи ҳодиса сифатида тушунишга, структуравийликка қарши чиқади. У эркин импровизация тарафдори бўлади. Билувчининг мақсади яқуний билим олишдан иборат бўлмайди.

Дерриданинг деконструкцияси – тушунчалар системасини қайта кўриб чиқишдан иборат. Бу тушунчалар белгилар атрофида шакллангандир. Улар фалсафа ва адабиёт соҳасидаги тил муаммолари билан тўқнаш келганда намоён бўлади. У гуманитар маданият матнларини таҳлил қилинаётганда дуч келинган «таянч ибораларни» аниқлашга қаратилгандир. Деконструкция бир неча қадамдан иборат: матн, биринчи назарда «нима демоқчи» бўлганини; муаллифга боғлиқ бўлмаган ҳолда, матнга кирган кўп маъноларни қабул қилиш; матн муаллифга ва йўлланувчига боғланмаган ҳолда ўз тарихини баён қилаётганини

тушуниш; матн ўз-ўзи билан зиддиятга киришганини англаш; ва ниҳоят, ҳар қандай метафизикадан холи бўлган мутлақ деконструктив матн яратиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосага келиш.

Зотан, ҳамма нарсани матн деб аташ мумкин. Матн ягона структурали тамойилга бўйсунмайди, унинг белгиларининг мазмуни матннинг ўзи билан аниқланади, у чексиз ўзгарувчандир. Ҳар қандай белги истиқбозга (цитатага) олиниб, қўштирноқ ичига кириши мумкин. Улар чексиз ҳолда талқин этилиши мумкин, матннинг янги-янги маънолари очилиши мумкин. Ҳар қандай матн бошқа матн орқали ўқилиши мумкин. Ундан ҳам ташқари, ҳар қандай матннинг ўзи ўзи истиқбоз (цитата) бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам талқин эркинлиги нисбийдир: матннинг ҳақиқий қадриятини аниқлаш мумкин эмас. Ўай бири яхши, қай бири ёмон деб баҳолаб бўлмайди.

Дерридининг деконструкцияси қуйидаги фундаментал тамойилларга бўйсунди:

- матндан ташқарида бўлишнинг имкони йўқ: субъектни матндан ташқарида қолдириб, уни таҳлил қилиб бўлмайди; субъект ҳам матннинг ичида бўлиши шарт;
- матнни маконсиз тушуниш талаб қилинади, деконструкциянинг вазифаси – мантиқийликка, матннинг ички зиддиятини фаоллаштириш, кучайтириш, мантиқийликдан озод бўлиш;
- деконструкция айнанлик принципига таянган метафизика асосига зарба бериши шарт, зотан метафизик дискурс – бу бор бўлиш дискурсидир, айнанлик маънонинг тўлиқлиги тарзида тушунилиши зарур;
- деконструкция децентрация (марказдан қочиш) ва дифференция (фарқланиш) билан боғлиқ бўлиши керак;

- деконструкция жараёнида, асосий мантикий марказчиликлик эмас, балки фономарказчилик (овозмарказчилик)дир, яъни субъект эмас, унинг овози бўлади.

Овоз белгили шаклга, билим воситасига муҳтож бўлмайди. Овоз мазмунни туғдиради, у борлиққа, нарсага бевосита яқиндир. Фономарказчилик борлиқ мазмунини аниқлайди. Овоз орқали субъект ўзидан ўзига ҳаракат қилади, ташқаридан ҳеч қандай белгини таклиф қилмайди. Шу маънода онг кодлашмайди, «эшитиш-гапириш» тартибига бўйсунди. Овозни белгилаб олиш ёзувни туғдиради, бу мантиқмарказчиликка олиб келади. Езув файласуф томонидан қонун, команда, буйруқ сифатида аниқланади. Шунинг учун ёзув маданияти репрессив характерга эга. Маданиятдан овозни сиқиб чиқариш маданий зиддиятларга олиб келади. Овоз доимо тирикдир, у замонда, вақтда ривожланади. Езув «қисмларга ажратувчи тафаккур» билан боғлиқ, «белгили белги» ҳукмронлигига бўйсунди. У борлиқ ва маъно ўртасидаги восита. Езув аллегорикдир, у нарсани ўрнини босади, у нарсаларнинг дубликатларидан фойдаланади, бу маданият кризисига олиб келади, чунки ёзув маданият тарихи билан айнанлаштирилади: ёввойиликка – пиктография, яъни нарса хосдир; варварликка – иероглифика (белги), цивилизацияга – алфавит (белгилар белгиси) хосдир. Фалсафа кризиси ҳам шунга боғлиқ.

Ёзувнинг пайдо бўлиши – овозни йўқ бўлишига олиб келди. Ҳозирги замонавий фалсафа – «проза тилида гапиради», «белгиланувчининг ўчирилиши билан ўлади, уни овозини эшитиш мумкин эмас».

Деррида тафаккур ривожига жараёнини аниқлаш учун *археёзув (ёзув модели)* тушунчасини киритади. Бу тушунча орқали ҳар қандай маъноларни бошқарувчи идеал модел тушунилади; имконий тафаккур системаси «матнни қоронғу томонларига» мурожаат қилади. Археёзув из, фарқлаш шаклида намоён бўлади. У мавжуд бўлишга нисбатан ўз ўрнига эгадир. У «бошлайди» шунинг учун метафора хусусиятига эга. Езувга

бурканган овоз умумий бегоналашувни ифодалайди. Бунда ҳокимиятнинг бегоналашуви кўрқинчли эмас, балки ироданинг бегоналашуви даҳшатлидир: у эркинлик имкониятини заволидир.

Ёзув тенгсизлик манбаига айланади, тил-коммуникатордан манипуляторга айланади. Ёзув инсонни қулликка олиб келдаи, у маъно ва товуш маконини ёпади, ўқиш ва белги маконини очади. Натижада борлиқнинг ўзи белги ва матнга айланади.

Постмодернизм ғояларини кейинчалик Жил Делез ва Феликс Гуаттари давом эттирдилар. Бу тадқиқотчилар неофрейдизм чегарасида ишлаб чиқилган терминологиядан фойдаландилар.

Ж.Делезнинг «Маънолар мантиғи» (1969) асарида постмодерн даври онтологияси яққол баён этилган. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: субъект – объект муносабатлари, мавжудлик ёки йўқлик каби анъанавий фалсафа элементлари мавжуд бўлмаган олам тасвири берилади. Шу маънода китобни мутоала қилишдаги қийинчиликлар вужудга келади.

«Маънолар мантиғи» асарида эътиборга лойиқ хусусият шуки, унда фалсафа соф ҳолда тушунилади. Бу каби ёндашувдан хулоса қилиш мумкинки, мумтоз структурализмнинг назарий тузилмасига яқиндир. Юқоридаги файласуфларнинг асосий мавзуси «маъно» ёки онгнинг онг остига ва моддий архетипларга муносабати эмас, балки бошқарув механизмлари таҳлил қилинган. Ҳокимият мавзуси постмодерн файласуфларини сиёсатшуносларга айлантириб қўйди.

Бошқарув мавзуси орқали постмодерн онтологияси схемасини ҳосил қилиш мумкин. Ҳокимиятнинг оммавий ахборот воситаларида ва информатсион, ахборот тармоқларига сингиб кетиши, децентрация жараёни, иқтисодий фаолият юқини ишлаб чиқаришдан тадбиркорликка ўтказиш, биржа орқали ишлаб чиқариш алоқаларини валюта бошқарувига ўтказиш каби масалалар субъект-объект муносабатидан холи бўлган онтология сифатида намоён бўлади.



«Маънолар мантиғи»да кўрсатилган постмодерн оламига кириш учун, маълум маънода калит бўлиши лозим. Буни қуйидаги тўрт тушунчаларда тетраграмматонда кўриш мумкин. Масалан, «олам», «тафаккур», «ризом», «шизоанализ». Бу тўрт тушунча яхлитликни ташкил этади, шу билан бирга улар бир-биридан фарқланади.

**«Олам»** ҳақида гапирадиган бўлсак – бу инсоннинг онг ва шахсий фаолиятига сингиб кетувчи матнлардан иборат, моддият оламини ҳосил қилади. Демак, бк «олам»даги анъанавий фалсафа дуализмлари ҳаракатланувчи қарама-қаршилиқларга айланади.

**«Тафаккур»** Ж.Делез фикрича, тушунчаларни бошқариш ёки субъект онгида объектив реалликни инъикоси эмас. Ж.Делез мияни тафаккур машинаси деса ҳам, онгни яратмайди, балки уни таъминлайди. Тафаккур ҳақидаги қарашлар кўпроқ «хаёт фалсафаси»га яқинроқ туради.

**«Ризом»** тушунчаси шундай атамани ундаги маданият макони ва замонида фаолият юргизади. Шу билан бирга ризом тушунчасини оламдаги мустақил босқич сифатида қарамаслик лозим. **Ризом** «онг, билиш» каби вертуал борлиқ проекциясини ҳосил қилади.

**«Шизоанализ»** - албатта бк тушунчалар юқоридагилар орасида ноўриндай кўринади. Рухшуносларнинг фикрича, шизофрения касалида бир вақтнинг ўзида кучсизлик ва кучлилик мавжуд бўлади. Ташқи ва ички орасидаги чегара деярли йўқолади. Шизофреникнинг холати соғлом одамдан фақат биргина босқич билан фарқланади. Бу ҳам бўлса, чекланишдир, бегоналашишдир.

Шизофреник ўзининг фантазияси ва кўркувлар, ҳиссиётлар оламида яшаса, соғлом одам ҳам ўзининг кайфият, хоҳишлар оламида яшайди. Айтиш мумкинки, инсон шу оралиқлар орасида фаолият кўрсатади. Ушбу оралиқ маконни баъзи файласуфлар чегара ҳудуди, баъзилари ҳаётини олам, баъзилари эса маданият олами деб атайдилар. Демак, **шизофрения** маънавий борлиқнинг маданий кўринишидир. «Мен»ни бутунлай кузатиш холатидаги онг кўринишидир. Инсоннинг ички олами ва ташқи олами

чегараларининг бузилиши «Мен»нинг йўқолишига, ички олам мутлақ мустақиллигининг, мутлақ субъектнинг соф онг ҳолатига айланишига олиб келади.

Ж.Делезнинг тил ҳақидаги қарашларига келсак, аввалам бор, тилнинг фандаги таснифларига эътибор қилиш лозим. Гегелчиликдан сўнг у, яъни тил «мутлақ рух» ўрнини ишчи майдонига айлантирди.

Шуни унутмаслик керакки, илгариги фалсафада антиметафизик қурилма тилни «метафизик» асослардан холи қилади. Энди тилни ўз ҳолича талқин этиш лозим. Уни энди яхши ёки ёмон, маданияти устун халқларни, маданияти паст халқлардан устун қўймаслик керак.

## Хулоса

Демак, Ж.Делез фикрича, тилни ўрганиш учун уни келиб чиқиши биз учун аҳамиятсиз. Биз учун уни тасвирлаб беришнинг ўзи кифоя қилади, яъни у «қандай яшайди» ва «иш олиб боради».

Тилга бундай ёндашув уни «моҳиятий», «субстанционал» ўрганишга зид туради, уни функционал вазифасини очиб беришни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан Ж.Делез фикрича, асосий ролни сўзлар ўйнайди, «бу», «у», «шу ерда» ва бошқалар. Гарчи улар умуман аниқ бўлмаса ҳам, улардан тилнинг функцияси бошланади.

Шулардан биринчиси – **белгилаш, аниқлашдир**. Аниқлашдан **номлаш (денотация)**, келиб чиқади.

Тилнинг кейинги функцияси – **манифестациядир**. Бу функция иборалар орқали бадарилади, улар хоҳиш ва эътиқодни англатади. Бундай ҳолда тилни тузувчилар, бошидан ҳар қандай мазмундан холи бўладилар. Унинг субъекти «асосий манифестантдир» - «Мен» сўзидир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, гапда эга ва кесим ўрнини сўз эгаллайди, яъни субъект

ўрнини уни сояси эгаллайди, тилнинг шаклланишини «юза» олами пайдо бўлади.

Тилнинг учунчи функцияси – **сигнификациядир**. Улар ҳукмларда амалга ошади. У сўзларни умумий тушунчалар билан боғлайди, импликация операциясини амалга оширади. Тилнинг тадқиқ қилишнинг шу даражасига Ж.Делез, ўз диққат эътиборини қаратади.

Шундай қилиб, постмодернизм мураккаб масалаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Бу замонавий маданиятларнинг кризис ҳолатига тушиб қолганлиги туфайли, ундан ўзига хос ечим топишга ҳаракат қилинди.

Чуқур назарияларни яратишга интилмаган ҳолда постмодернизм, «юзаки» тадқиқотлар билан чекланди. Замона руҳини намоён қилишга ҳаракат қилди. Бу йўналиш «янгича тафаккур»ни шаклланишига туртки бўлди. Европада шаклланган фалсафий билимлар қадриятларини, анъаналарини қайта кўриб чиқишга олиб келди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Рахбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тўла асарлар тўплами. –Ж..1-19 – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2010.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

### **Асосий адабиётлар:**

1. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Буржуазная философия середины XIX начала XX века. –М.: Высшая школа, 1988.
2. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р., Қобулниёзова Г., Рўзматова Г. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2002.
3. Ғарб фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2004.
4. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2002.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Виндельбанд В. Прелюдие. СПб, 1904.
2. Риккерт Г. Науки о природе и науки о культуре. СПб, 1911.
3. Риккерт Г. Понятие о философии. //Логос, 1910. Т.1.
4. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. «Неокантчилик».
5. Западная философия XX века. –М.:МГУ, 1998.
6. Зотов А.Ф. Проблема бытия в «Новой онтологии» Н.Гартмана. //Современный объективный идеализм. – М., 1963.
7. Философский энциклопедический словарь. –М., 1988. «Гартман». С. 102-103.
8. Западная философия: итоги тысячелетия. –Екатирибург: Деловая книга, 1997. –Бишкек: Одиссей, 1997. С. 411-541.
9. Айер А.Ж. Философия и наука. //Вопросы философии. 1962, № 1.
- 10.Карнап Р. Значение и необходимость. –М., 1958.
- 11.Рассел Б. Человеческое познание, его сфера и границы. –М., 1957.
- 12.Рейхенбах Г. Направление времени. –М., 1962.
- 13.Франк Ф. Философия науки. –М., 1960.
- 14.Богомоллов А.С. Английская буржуазная философия XX века. –М., 1973. Гл. 5,6,7.
- 15.Нарский И.С. Современный позитивизм. –М., 1961.
- 16.Козлова М.С. Философия и язык. –М., 1972.
- 17.Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. –М., 1986.
- 18.Поппер К. Открытое общество и его враги. –М., 1992.

19. Нарский И.С. Современная буржуазная философия: два ведущих течения начала 80-х годов XX века. –М., 1983.
20. Никифиров А.Л. Методологическая концепция постпозитивизма // Вопросы философии. 1976. № 8.
21. Григорьян В.Т. Философская антропология. –М., 1982.
22. Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. С. 190-214.
23. Тавризян Г.М. Экзистенция и объективность. // Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. С. 44-65.
24. Современная буржуазная философия. –М., 1978.
25. Новейший философский словарь. –Минск: В.Г. Скакун, 1998.
26. Леви-Строс К. Структурная антропология. –М., 1983.
27. Хрестоматия по истории философии. От Шопенгауэра до Дерриды. –М.: ВЛАДОС, 1997.
28. Зотов А.Ф. Современная западная философия. –М.: Высшая школа, 2001.
29. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Буржуазная философия середины XIX начала XX века. –М.: Высшая школа, 1988. С. 152-179.
30. Фуко М. Археология знания. –Киев, 1996.
31. Фуко М. Слова и вещи. –М., 1977.
32. История философии. –М.: Знание, 1997.
33. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. «Фуко».
34. Делез Ж. Логика смысла. –М., 1995.
35. Делез Ж., Гваттари Ф. Тысячи плато. –Бишкек, 2000. Гл. 5. Капитализм и шизофрения.
36. Постмодернизм и культура. –М., 1991.
37. На путях постмодернизма. –М., 1995.
38. Забайлов Л.К., Шопинский В.А. Постмодернизм. –М., 1993.
39. Губман Б.Л. Кризис современного неотомизма. –М., 1983.
40. Долгов К.М. Диалектика и схоластика. –М., 1983.
41. Желнов М.В. Критика гносеологии современного неотомизма. –М., 1973.
42. Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. С. 264-279.
43. Философский энциклопедический словарь. –М., 1988. «Неотомизм». С. 430-431.
44. Гадамер Х.-Г. Истина и метод. –М., Прогресс, 1988.
45. Бессонов Б.Н. Герменевтика. История и современность. // Гадамер Х.-Г. Истина и метод. –М., Прогресс, 1988. Вступительная статья. С. 5-36.
46. Рикер П. Конфликт интерпретация. Очерки по герменевтике. –М., 1995.